

КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ №

Тошкент шаҳри

«___» _____ 2020 йил

«Hi-Tech Bank» хусусий акциядорлик тижорат банки Амалиёт бошқармаси номидан Низом ва 2020 йил «___» январ кунги №___-сонли ишончнома асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи _____ (бундан буён матнларда «Банк» деб юритилади), бир томондан ва «_____» МЧЖ номидан ўз Низоми асосида иш юритувчи жамият директори _____ (бундан буён матнларда «Қарз олувчи» деб номланади), иккинчи томондан, миллий валютада кредитлаш бўйича кредит шартномасини (бундан буён матнларда «Шартнома» деб юритилади) қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Банк қарз олувчига ўз маблағлари ҳисобидан миллий валютада кредит маблағи ажратади, қарз олувчи эса кредитдан мазкур шартномага мувофиқ фойдаланади, муддатида қайтаради ва кредит учун ушбу шартномада назарда тутилган фоизларни тўлайди;

1.2 Кредит қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ.

2.1. Банк қарз олувчига дастлабки __ (____) ой имтиёзли давр билан __ (____) ой муддатга _____ (_____) сўм миқдорида айланма маблағларни кенгайтириш (хом-ашё сотиб олиш) учун кредит ажратади;

2.2. Қарз олувчи фойдаланилган кредит маблағи учун ____ (____) йиллик устама фоизни тўлайди;

3. КРЕДИТНИ АЖРАТИШ ВА ҲИСОБ - КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1 Банк, мазкур шартномага асосан қарз олувчи томонидан кредит таъминотида оид барча талаблар бажарилгач, жумладан, кредит таъминоти сифатида тақдим қилинаётган мол-мулклар (ёки мулк хуқуқлар) кредит муддатида суғурта қилиниб, гаров шартномалари қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, ваколатли органларда рўйхатга олинганидан ҳамда таъқиқ қўйилганидан сўнг ёинки таъминот сифатида кафилик тақдим қилинаётган бўлса, кафилик шартномалари қонуний тартибда расмийлаштирилганидан сўнг қарз олувчининг тўлов топшириқномаси асосида ёпиқ кредит линиясига мувофиқ қарз олувчига кредит ажратади;

3.2 Банк кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ва мазкур шартномада назарда тутилган бошқа тўловлар (неустойка ва х.к)ни ҳар куни ҳисоблаб, қарз олувчининг ссуда ҳисобварақларида акс эттиради;

3.3 Кредит тани, устама фоиз тўловлари ва бошқа тўловлар қуйидаги усуллар орқали ундирилади:

- мижознинг тўлов топшириқномаси орқали;
- банк томонидан муддатли мажбуриятномага асосан мемориал ордер орқали;
- мижознинг ҳисобварағида маблағлар етарли бўлмаган тақдирда банк томонидан мижознинг ҳисобварағига тўлов талабномаси қўйиш орқали;

3.4 Қарз олувчи томонидан олинган кредит ва унга ҳисобланган фоизлар қайтариш жадвали асосида тўланмаганида, дастлаб фоизлар, неустойка, бошқа тўловлар (суд ҳаражатлари, зарар тўловлари ва х.к) ва кредитнинг асосий қарз тўлови кетма-кетлигида ундирилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Банкнинг мажбуриятлари

4.1.1. Кредит ҳисобини юритиш учун қарз олувчига алоҳида ссуда ҳисобварағи очади;

4.1.2. Кредит таъминотида оид барча талаблар бажарилгач, кредит суммасини ажратади;

4.1.3. Қарз олувчининг ёзма сўровига асосан унга зарур маълумотлар ва ҳужжатларнинг нусхаларини қонунчиликка риоя қилган ҳолда тақдим қилади;

4.1.4. Мазкур шартнома ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларини бажаради.

4.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

4.2.1. Кредит таъминоти сифатида қуйидагиларни тақдим қилади:

- «_____» МЧЖга тегишли, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами белгиси 01/000PPP бўлган Малибу русумли автомашина;

4.2.2. Кредитнинг фақат бизнес режа мақсадларида ишлатилишини таъминлайди;

4.2.3. Банкнинг ёзма розилигисиз кредит тўлиқ қайтарилгунга қадар кафил бўлмайди, бошқа банк ва хўжалик юритувчи субъектлардан қарз ва бошқа мажбуриятлар олмайди, банк томонидан ажратилган кредит қарздорлик ва у билан боғлиқ бўлган барча харажатлар тўлиқ қоплаб берилгандан сўнг таъсисчилар ўртасида дивиденд тақсимлайди;

4.2.4. Қарз олувчи кредит муддати давомида асосий ёки иккиламчи ҳисоб рақамини бошқа банкда очмоқчи бўлган тақдирда, мавжуд кредит қарздорлиги ва қарздорлик билан боғлиқ бўлган харажатларни талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасига асосан ёки қарздорнинг ўзи томонидан мазкур кредит шартномаси асосида тўлиқ қоплаб берилгандан сўнг бошқа банкларда асосий ёки иккиламчи ҳисоб рақамларини очади;

4.2.5. Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартноманинг ажралмас қисми сифатида илова қилинадиган қайтариш жадвалига асосан тўлайди;

4.2.6. Кредит мониторинги ва қарз олувчининг тўловга лаёқатлилиги таҳлилини амалга ошириши учун ҳар чоракда ўз молиявий ҳисоботлари, жумладан бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли изоҳлари билан ва дебиторлик-кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳолати талқинини ҳаққоний ҳужжатлар асосида Банкка тақдим қилиб боради;

4.2.7. Банк ходимларининг қарз олувчи манзилига чиқиши орқали бухгалтерия ҳисобининг юритилиши, кредитнинг мақсадли ишлатилишини ҳамда мулк мониторингини амалга оширишига шароит яратиб беради.

4.2.8. Банкнинг кредит бериш ва ундан фойдаланиш шартларидан келиб чиқувчи талабларини бажаради;

4.2.9. Мониторинг ёки ундирув давомида миждо томонидан тақдим қилинган таъминот кредит мажбуриятларини қоплашга етарли эмас, деб топилган тақдирда, етарлича миқдорда қўшимча таъминот тақдим қилади;

4.2.10. Лойиҳани амалга оширишдаги ишлаб чиқариш ва бошқа объектив шароитлардан келиб чиққан ҳолда олинган кредит суммасининг маълум бир қисми ортиқчилиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда 10 банк иш куни ичида банкни хабардор қилган ҳолда ортиқча қисмини банкка қайтаради;

4.2.11. Ўзининг мулкчилиги ёки эгаллиги (ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши, таъсисчилар, бошқарув органларидаги таркибий ўзгартиришлар ва бошқалар) шакли ўзгариши, қайта ташкил этилиши ёки фаолиятининг тўхтатилиши ҳақида банкни 10 кун аввал ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

4.2.12. Кредитдан фойдаланиш даврида банкка тақдим қилинган бизнес режага асосан ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушишини таъминлайди;

4.2.13. Ўзининг почта ва электрон манзили, телефонлари ва бошқа реквизитлари ўзгарадиган тақдирда бу ҳақда банкни камида 1 (бир) кун ичида ёзма равишда хабардор қилиш;

4.2.14. Мазкур шартнома ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларини бажаради.

4.3. Банкнинг ҳуқуқлари

4.3.1. Қарз олувчи томонидан кредит олишга оид, шунингдек таъминот билан боғлиқ ҳужжатларни қонуний, тўлиқ расмийлаштирилиб тақдим этилмагунга қадар қарз олувчига кредит ажратмайди;

4.3.2. Қарз олувчи манзилида унинг молиявий аҳволи, ҳисоб юритиши ва ҳисоботи, кредитдан мақсадли фойдаланиш масалалари юзасидан мониторинглар ўтказиши, заруриятга кўра бу ишларга ташқи мутахассис (эксперт)ларни жалб қилади;

4.3.3. Агар кредит гаров билан таъминланадиган бўлса, кредитдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида қарз олувчи мулк гарови бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини қандай бажараётганини назорат қилиб туради.

4.3.4. Мазкур шартнома ва амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда кредитни муддатидан олдин ундириш чораларини кўришга ҳақли.

4.3.5. Агар кредит учинчи шахснинг кафиллиги ёки кафолати асосида берилган бўлса, қарз олувчининг муддати келган тўловларни тўлашга етарли маблағи бўлмаган тақдирда, кафиллик ёки

кафолат берган шахснинг ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳисобидан ёки бошқа мол-мулки ҳисобидан қарз суммасини ундиришга ҳақли;

4.3.6. Мазкур шартнома ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

4.4. Қарз олувчининг ҳуқуқлари

4.4.1 Шартномада белгиланган шартлар асосида белгиланган миқдорда кредит маблағини ўз вақтида ажратилишини талаб қилиш;

4.4.2. Кредит маблағларига эҳтиёж пайдо бўлганда очилган линия лимитига мос миқдорда кредитдан фойдаланиш;

4.4.3 Олинган кредит суммасини муддатидан илгари қайтариш ва улардан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун ҳисобланган фоизларни тўлаш;

4.4.4. Банк томонидан мазкур шартномада кўзда тутилган кредит тўлиқсиз ёки кечиктириб ажратилгани учун неустойка тўлашни талаб қилиш;

4.4.5. Ссуда ҳисоб рақамидаги айланмалар тўғрисида маълумот олиш;

4.4.6. Банк хизматлари тўғрисида маълумотлар олиш;

4.4.7. Кредит ажратиш жараёнлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талаб ва қоидалар тўғрисида банк ходимларидан маслаҳатлар олиш.

4.4.8. Мазкур шартнома ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

5. ЖАВОБГАРЛИК.

5.1. Тарафлар мазкур шартнома бўйича ўзларининг шартномавий мажбуриятларини ҳалол, оқилона, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.2. Қарз олувчи томонидан олинган кредит қайтариш жадвалида белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда, тўлов муддати ўтган кундан бошлаб, муддати ўтган кредит суммага нисбатан 2.2-банддаги ўрнатилган фоиз ставкаси 2 (икки) баробарга оширилган ҳолда ҳисобланади;

5.3. Кредитни асоссиз равишда ўз вақтида ажратмаган тақдирда банк тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун қарз олувчига кредитнинг кечиктирилган суммасидан 0,1 фоиз ҳажмида пеня тўлайди.

5.4. Қарз олувчи кредит тўловлари(кредит тани, фоизлар)ни ўз вақтида тўламаган ҳамда улар юзасидан муддати ўтган қарзлар юзага келган ҳолларда тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун банкка муддати ўтган қарзга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлайди.

5.5. Кредитдан мақсадсиз фойдаланганлиги аниқланган тақдирда қарз олувчи банкка кредитнинг мақсадсиз ишлатилган қисмига нисбатан 25 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

6. КРЕДИТНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ҚАЙТАРИШ

6.1. Қарз олувчининг олинган кредит суммасини муддатидан олдин қайтариш ва улардан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун ҳисобланган фоизларни тўлаш ҳуқуқи кафолатланади.

6.2. Қарз олувчи томонидан қуйидаги ҳолатлардан ҳеч бўлмаса биттасига йўл қўйилган тақдирда банк кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтариб олади:

а) Кредитнинг мақсадсиз ишлатилганлиги (бунда кредитнинг мақсадсиз ишлатилган қисми муддатидан олдин қайтарилади);

б) Бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилмаслиги, белгиланган пул тушумларининг бизнес режа кўрсаткичларидан камлиги;

в) Қарз олувчи ёки кафилнинг молиявий ҳолати ёмонлашганлиги;

г) Банк розилигисиз учинчи шахсларга кафиллик ёки кафолат берилиши;

д) Банк розилигисиз бошқа банк ёки хўжалик юритувчи субъектлардан қарз ва бошқа мажбуриятларнинг олиниши;

е) Мазкур шартноманинг 4.2.10, 4.2.11, 4.2.13-бандларидаги ҳолатлар юзасидан банкни хабардор қилмаслиги;

ж) Таъминот ҳолатининг ёмонлашиши, унинг ўғриланиши, талон-торож қилиниши, ликвидлигининг пасайиши, бозор конъюктураси нархларининг камида 25 фоизга пасайиб кетиши ёки бошқача ҳолатлар натижасида кредит таъминланмай қолиш хавфининг вужудга келиши, башарти таъминотни ўзгартириш ёки қўшимча таъминот тақдим этиш бўйича банк талабининг бажарилмаслиги;

- з) кредит мониторингидан бўйин товлашлик ёки банк ходимлари (жалб қилинган мутахассислар)ни мониторинг ўтказишига ҳар қандай усуллар билан тўсқинлик қилиши;
- и) Банкка ушбу шартномада назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этмаслиги ёки ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тақдим этилиши;
- к) Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномада белгиланган муддатдан 30 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилиши;
- л) Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мунтазам равишда кечиктириб тўланиши, яъни ўн икки ой давомида мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қайтариш жадвалининг уч ва ундан ортиқ мартаба бузилиши;
- м) Кредитланаётган фаолиятни амалга оширилиши жараёнида экология талабларининг бузилганлиги;
- н) Мазкур шартноманинг 4.2.4-банди талабининг бузилиши.

7. ФОРС - МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1 Тарафларга боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлари, яъни zilзила, сув тошқини ва бошқа фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда, банклараро электрон тизими вақтинча ишламай қолганда шартнома мажбуриятларини бажарилиши форс-мажор ҳолатлари тугагунга қадар тўхтатилади.

7.2. Тарафлар форс-мажор ҳақида иккинчи тарафни зудлик билан ёзма равишда хабардор қилиши шарт, ёзма хабар келиб тушган вақтдан форс-мажор оқибатлари қўлланилади.

8. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

8.1. Мазкур шартнома тарафлар имзолаган кундан бошлаб қонуний кучга киради ҳамда тарафларнинг барча мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар, мазкур шартномада назарда тутилган барча тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар амал қилади.

8.2. Шартнома шартларини ёки унинг амал қилиш муддатини ўзгартириш, шартномани бекор қилиш томонларнинг қўшимча келишуви ёки суд қарорига асосан амалга оширилади.

8.3. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартиш ёки қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, томонларнинг ваколатли шахслари имзоси ва муҳри билан (муҳри мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланиши шарт;

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Шартнома шартларини бажариш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилади, музокара йўли билан ҳал этилмаган масала юзасидан суд органларига мурожаат этилади;

9.2. Ушбу шартнома томонлари ўртасида вужудга келувчи ёки вужудга келиши мумкин бўлган барча низолар, Банкнинг танловига мувофиқ банк жойлашган ҳудуддаги судда ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатасига қарашли Хакамлик судида яққаболчилик асосида ҳал этилади. Хакамлик муҳокамаси билан боғлиқ харажатлар жавобгар томонидан тўланади.

9.3. Мазкур шартнома ва уни тузиш учун тарафлар бир-бирига тақдим қилган маълумот ва ҳужжатлар тижорат сири бўлиб ҳисобланади ҳамда ушбу маълумотлар иккинчи тарафнинг ёзма розилигисиз ошкор қилиниши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

9.4. Тарафлар ўзларининг почта ва электрон манзили, телефон рақами ўзгарганлиги ҳақида иккинчи тарафга маълумот тақдим этмаганлиги оқибатида келиб чиқадиган салбий (банк ва тижорат сирининг ошкор бўлиб қолиши ва ҳоказо) ҳолатларга бу маълумотларни бермаган тараф жавобгар ҳисобланади.

9.5. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

9.7. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилади ҳамда 2 нусхаси банкда қолади, яна бир нусхаси эса қарз олувчига берилади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Б А Н К

«Hi-Tech bank» ХАТБ Амалиёт

ҚАРЗ ОЛУВЧИ

«_____» МЧЖ

бошқармаси, МФО – 01013
ИНН : 205239128
Манзил: Тошкент шаҳри,
Миробод тумани,
Т.Шевченко кучаси 36-уй
P/c: 1610300030000FFFFF
МФО-01066

х/р: 20208000_____001
«Hi-Tech bank» АТБ Амалиёт бошқармаси
МФО – 01066 ИНН: _____
X/р: 202080001_____001
Манзили: Тошкент шаҳри,
_____ тумани, _____ кўчаси, 0-уй,
00-хонадон.

Бошқарувчи _____ А.Н.Маткаримов

Директор: _____ ЛЛЛЛЛЛ Л.Л.

Бош ҳисобчи _____ М.Турсунов
м.ў.

Ҳисобчи _____ Зззззззззз З.З.
м.ў.
